

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ  
УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОНДА РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР  
ЙЎНАЛИШЛАРИ

2020 йил 3 декабрь

*Республика илмий-амалий анжумани*

**ИЛМИЙ МАҚОЛА ВА МАЪРУЗАЛАР ТҮПЛАМИ**

ТОШКЕНТ – 2020

**Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари.** Республика илмий-амалий анжумани илмий мақола ва маъruzалар тўплами (2020 йил 3 декабрь). – Т.: ТДИУ, 2020. – 928 б.

Мазкур тўпламда мамлакатимиз ва хорижий олимлар, амалиётчиларнинг мамлакат ижтимоий-иктисодий тараққиётидаги рақамли иқтисодиётни ўрни ва уни ривожлантиришнинг долзарб масалаларига бағишлиланган илмий мақола ва маъruzалари умумлаштирилган. Шунингдек, тўпламда иқтисодчи-олимлар ва иқтидорли талабаларнинг рақамли иқтисодиётни ривожлантириш муаммолари ва эришилган ютуқлар борасидаги таклиф ва тавсиялари баён этилган.

Анжуман материаллари тўплами профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар, тадқиқотчилар ва талабалар учун мўлжалланган. Тўплам таҳрир ҳайъати қарори билан чоп этишга тавсия этилган.

**Масъул муҳаррир:**  
*Профессор. К. А. Шарипов*

**Тақризчилар:**  
*Профессор. Н. М. Махмудов*  
*Профессор. Ш. Ж. Эргаишходжаева*

**Таҳрир ҳайъати:**  
*Профессор. М. П. Эшов*  
*Профессор. Г. Қ. Абдурахмонова*  
*Профессор. С. К. Худойқулов*  
*Доцент. Н. Ф. Идиев*  
*PhD. О. А. Норбоев*

*Мазкур тўпламга киритилган материалларнинг мазмуни, ундаги статистик маълумотлар ва меъёрий хужжастлар санасининг тўғрилигига ҳамда танқидий фикр-мулоҳазаларга муаллифларнинг ўзлари маъсулдирлар.*

**Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2020**

Юсупов И.И.	Операционный менеджмент в системе управления предприятия.....	313
Маматов И.Ю.	Тўқимачилик корхоналарида операцион менежмент усуларидан фойдаланишнинг хориж тажрибаси.....	316
Полвонназиров З.У.	Стратегический менеджмент: современные концепции.....	320
Саидов Д.С.	Модель открытых инноваций как метод повышения конкурентоспособности .....	322
Дилмуродова А.Б.	Корхоналарда таваккалчиликни бошқариш дастурини ишлаб чиқиши.....	326
Мирзамўминов И.А. Ganikhodjayeva N.A., Rakhimova M.	Маҳсулот сифатини бошқариш жараёни.....	330
Шамсиева Н.Ф., Айматова Ф.Х. Usmonjonov D., Jamalova G.G.	Impact of artificial intelligence on corporate governance .....	333
Исомова Н.М., Бахромов Б.Б. Аскарова У.Ф, Мансуров М.А.	Применение математических моделей при решении некоторых задач.....	337
Махкамова С.Г., Ахмедова К.Р.	Raqamli iqtisodiyotning mamlakatimiz turizm salohiyatini rivojlantrishdagi roli .....	340
Машарипова Ш.А., Нормуродов Ш.А.	Экономическая безопасность организации в условиях цифровой экономики.....	342
Rakhmonaliev A.A., Kamalova I.	Корхоналарда молиявий барқарорликни ошириш масалалари ....	347
Рустамова Д.Р., Абдурасурова З.Т. Хакимов Н.Х.	Цели и задачи цифровой экономики.....	351
Тураева Д.Т., Маматкаимова Н.А.	Роль цифровой экономики в финансовом благополучии АО в Узбекистане .....	354
Хакимова Х.Х., Мурзобова Ф.Ф. Shaturaev J.N., Muradova O'.N.	Using of digital technologies in project management .....	357
	Тенденции цифровизации экономических процессов в Узбекистане .....	359
	Инновационный подход к изучению общественных наук в процессе подготовки экономических кадров в условиях коронакризиса.....	362
	Совершенствование подготовки конкурентоспособных кадров в условиях коронакризиса и цифровизации экономики .....	365
	Рақамли иқтисодий: тушунчаси, хусусиятлари ва Узбекистон бозоридаги истиқболлар.....	369
	The effect of applying blockchain to the accounting and auditing .....	372
3-шуъба. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, АУДИТ ВА МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ (Молия ва бухгалтерия факультети)		
Abdullayeva N.B.	Auditning maqsad va vazifalari, auditning iqtisodiy nazorat va boshqa shakllari bilan o‘zaro aloqasi .....	378
Hayitkulova F.M.	Buxgalteriya hisobi va audit tizimini rivojlantirishda raqamli texnologiyalarni joriy etish yo‘llari .....	380
Бегалова Д.Б.	Жамиятни ахборотлаштиришда илғор ахборот технологияларининг ўрни .....	383

белгиланиши ва таваккалчиликни бошқаришни кўллаб-куватлаш тузилмасининг ишлаб чиқилиши амалга оширилганидан сўнг навбатдаги қадам бўлиб бу борада энг яхши натижаларга эришиш учун бутун бир ташкилотнинг иштирок этишини таъминлаш ҳисобланади. Илгари таъкидлаб ўтилганидек, фронт офис ходимлари таваккалчиликни тезлик билан идентификация қилинишини таъминлай оладиган тескари алоқани амалга оширишда энг яхши позицияга эга бўлишади. Бироқ, бу жараённи янада соддалаштириш учун корхонадаги таваккалчиликни бошқариш барча бўғинлардаги ходимларни ўз ичига қамраб олиши керак.

Корхонада таваккалчиликни бошқаришда ходимларнинг иштирок этишини рағбатлантирадиган бир қатор илфор стратегиялар мавжуддир. Корхонада таваккалчиликни бошқариш бутун бир ташкилотни қамраб олиши учун, биринчи навбатда, у барча учун тушунарли тилда бўлиши керак. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, таваккалчиликни бошқариш бўйича ходим нуқтаи – назаридан олиб қараганда, оддий ва барча учун тушунарли тилдан фойдаланиш самарали натижаларга эришиш учун ниҳоят даражада муҳим ахамиятга эгадир.

*Ходжамуратова Гулбахар Юлдашевна  
"Менежмент" кафедраси доценти*

*Email: gulbahor3691@mail.ru*

*Мирзамўминов Исақжон Азимжон ўғли*

*"Корпоратив бошқарув" факультети,*


*МНП- 62 гурӯҳи талабаси*

## **МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ БОШҚАРИШ ЖАРАЁНИ**

**Аннотация.** Уибу тезисда Маҳсулот сифатини бошқарии зарурати ҳамда маҳсулот сифатини бошқарии жараёнлари, босқичлари, маҳсулот сифатини яхшилашга оид вазифалар ва тадбирлар ўрганилган ва қисқача хулоса қилинган.

**Калим сўзлар:** сифат, бошқарии, жараён, янги маҳсулот, стандарт, техник шартлар, сифат кўрсаткичлар, сифат даражаси.

Маҳсулот сифатни бошқариш – бу “истеъмолчиларнинг эҳтиёжини қондириадиган, етарлича юқори даражадаги фойдалиликка эга бўлган товарларни лойиҳалаштириш, тайёрлаш ва сотишни таъминловчи бошқарув фаолияти туридир.



## **1-расм. Сифатни бошқариш жараёни<sup>174</sup>**

Маҳсулот сифатини бошқариш зарурати:

- режалаштириш ва истиқболни белгилашда;
- янги маҳсулот яратиш вариантини танлашда;
- норматив (меъёрий) хужжатларни ишлаб чиқишида;
- маҳсулот сифатини назорат қилишида;
- маҳсулот сифатини оширгани учун ходимларни работлантиришида;
- сифат тўғрисида ахборот йиғишини ташкил этишида ва хоказо ҳолларда вужудга келади.

Маҳсулот сифатини бошқариш жараёни - маҳсулот сифати даражасини жорий қилиш, таъминлаш ва зарур даражада ушлаб туриш мақсадида лойиҳалаш, тайёрлаш ва фойдаланиш (ёки истеъмол қилиш) пайтида амалга ошириладиган харакатлар мажмуасидир<sup>175</sup>.

Маҳсулотнинг сифатини бошқариш жараёнлари муҳандис - техник, ташкилий-технологик, назорат ва бошқа жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги мажмуасини ташкил этувчи тартиб доирасида олиб борилади.

Маҳсулот сифатини бошқариш жараёни қўйидаги жараёнлардан иборат:

- маҳсулот сифати даражасини белгилаш;
- маҳсулот сифатига таъсир кўрсатувчи буюм ва уни ишлаб чиқариш жараёнининг фаолияти тўғрисидаги ахборотларни йиғиш ва ўрганиш;
- маҳсулот сифатини бошқариш тўғрисида қарор қабул қилиш ва обьектга таъсир кўрсатишига тайёрланиш;
- бошқарувга тегишли буйруқларни бериш;
- бошқариш натижасида маҳсулот сифатининг ўзгариши ҳақидаги ахборотларни йиғиш ва таҳлил қилиш.

Маҳсулот сифатини бошқаришда қўйидаги вазифалар амалга оширилади:

- маҳсулотнинг техникавий даражаси ва сифатини узок муддатларга чамалаш;
- маҳсулот сифатини оширишни режалаштириш ва башорат қилиш;
- маҳсулот сифатини аттестация қилиш;
- маҳсулот лойиҳасини чизиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш;
- маҳсулот сифатини моддий - техник томондан таъминлаш;
- ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш;
- маҳсулот сифатини ўлчашни ташкил этиш;
- мутахассисларни танлаш, жойлаштириш, ўқитиш ва тарбиялаш;
- сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш даражасини бир текисда олиб бориш;
- ишлаб чиқариш воситаларини сақлаш, таъмирлашни ташкил этиш;
- маҳсулот сифатини оширишни рафбатлантириш;
- маҳсулот сифатини назорат қилиш;

<sup>174</sup> Мазур И.И, Шапиро В.Д. Управление качеством. Учеб. пособ. – иМ.: «Омега-Л», 2010. – 47 с.

<sup>175</sup> Hodjahmedov G. va boshalar.Darislik. T.: Cho'lpon nomidagi nashiriyot. – matbaa uyi. 2012. – 49 b.

- стандартларга, ўлчаш воситаларига ва техник шартларга риоя қилиш;
- маҳсулот сифатини бошқариш ҳуқуқини таъминлаш.

Маҳсулот сифатини бошқариш унинг хоссалари, технологик жараёнларнинг ихтисослаштириш хусусиятлари, ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакллари ва усувларини ҳисобга олган ҳолда бажарилади.

Маҳсулот сифатини яхшилашга оид вазифалар ва тадбирлар тузилаётганда уларни амалга ошириш имкониятлари ва мақсадга мувофиқлиги техникавий - иқтисодий жиҳатдан асосланади. Бунинг учун қуидагилар асос қилиб олинади:

- ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатига бўлган талаблар ва келгусида уни такомиллаштириш имкониятлари;
- маҳсулотнинг сифат даражасини баҳолаш;
- ишлаб чиқарилган маҳсулотда учраган нуқсонларни юзага чиқариш ва таҳлил этиш;
- лабораториядан ўтказилган синов натижалари, истеъмолчилар томонидан юборилган норозилик ҳужжатлари, техникавий назорат ва маълумотлар;
- илгор корхоналарнинг маҳсулотлари билан таққослаш.

Маҳсулот сифатини яхшилашга оид тадбирлар мажмуасига қуидагилар киради:

- маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларини яхшилашга қаратилган асосий тажриба ва лойиҳалаштириш ишлари ҳамда ташкилий - техникавий тадбирлар;
- ишлаб чиқариш техникаси ва технологиясини такомиллаштиришга оид тадбирлар;
- хомашё ва материаллар сифатини ошириш бўйича таъминловчиларга қўйиладиган талаблар;
- маҳсулот сифатини ошириш бўйича ўтказиладиган илмий - тадқиқот, тажриба ва лойиҳалаштириш юзасидан илмий - текшириш, лойиҳалаштириш ташкилотларига бериладиган топшириқлар;
- техникавий ҳужжатларни яхшилаш тадбирлари;
- Технологик интизомга риоя қилишни текшириш шароити, ишлаб чиқаришни ўлчов асбоблари билан таъминлаш, уларнинг аниқ ишлишини кузатиб туриш тадбирлари;
- стандартларни ўзлаштириш, уларга риоя қилиш, буюмларни унификациялаштириш, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, нуқсонларнинг олдини олиш ва истеъмолчилар томонидан бўладиган норозиликларни камайтириш бўйича тадбирлар.

Бу каби тадбирлар ўз вақтида бажарилишини тўла - тўқис таъминлаш учун уларнинг бажарилиш муддатлари, масъул кишилар, муайян харажатлар ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги, рақобатбардошлиги ҳамда бошка кўрсаткичлар аниқланади.

Сифатнинг зарурый даражасини жорий этиш тадқикот қилиш ва лойиҳалаш босқичида мамлакат ҳамда хориждаги энг илғор илмий-техникавий ютуқлар таҳлили асосида амалга оширилади. Мазкур босқичда сифатни бошқариш муҳим аҳамиятга эга, чунки шу ерда бўлажак маҳсулотнинг асосий техникавий - иқтисодий ва фойдаланиш кўрсаткичлари хисобланади ва уларга асос қўйилади. Бу кўрсаткичлар истеъмолчиларнинг замонавий талабларидан юқорироқ бўлиши керак чунки янги маҳсулот савдо соҳасига чиққунча унинг сифат кўрсаткичлари маънавий эскириб қолиши мумкин.

Сифатни бошқариш замонавий назарияси шундан келиб чиқадики, сифатни бошқариш бўйича фаолият маҳсулот ишлаб чиқарилгандан кейин самарали бўлиши мумкин эмас, бу фаолият маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида амалга оширилиши лозим.

*Ganikhodjayeva Nazokatkhan Asror qizi*

*A student of UMB - 11*

*Scientific advisor: Madina Rakhimova*

*The Joint International Education Program TSUE and USUE*

*“Corporate economy and business analysis”*

## **IMPACT OF ARTIFICIAL INTELLEGENCE ON CORPORATE GOVERNANCE**

***Annotation.*** In today's world Artificial intelligence have come to approximately all spheres and developing in these fields. Where in world economic growth based on future the introduction of such technologies will arise due to an increase in labor productivity, quality products and services, as well as personalization of the created goods. Artificial intelligence with a high degree likely to affect almost all industries in the world the economy, directly or indirectly.

The following automation work processes of Artificial intelligence, which Deloitte experts in a 2017, are being implemented and developing corporate governance, industries, medicine and so on:

- relieving: processes associated with the execution of routine assignments, the specialist is given the most responsible and creative work;

- splitting up: almost all work is performed automatically, but the person remains function of monitoring and correcting the results of the program;

-addition (augment): artificial intelligence complements the employee's skills by offering various options for solving the problem, leaving the decision for a person;

- replacing: full automation of work processes inherent in certain professions,

The modern stage of development of society is characterized by an exponential increase in information, accelerated emergence and spread new technologies, a significant increase in the level of uncertainty and an increasing speed changes. In this regard, the effective implementation of the expert function requires corporate